

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
2018 йил 18 июнда  
272 н сон билан  
“Қайта рўйхатта олинган”



Ўзбекистон велосипед спорти  
Федерацияси Конференциясининг  
2018 йил 7 май  
- сонли баёнига мувофиқ

“Ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди”

## ЎЗБЕКИСТОН ВЕЛОСИПЕД СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ УСТАВИ

(ЯНГИ ТАҲРИРДА)

Тошкент - 2018

# ЎЗБЕКИСТОН ВЕЛОСИПЕД СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ УСТАВИ



## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси (кейинги ўринларда – Федерация деб юритилади) велоспортнинг шоссе, трек, “Bicycle Moto Extreme” ва Маунтенбайк спорт турлари (кейинги ўринларда – велоспорт турлари деб юритилади) бўйича спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, велоспорт турларининг ҳаваскорларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирадиган ҳамда ўз аъзоларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳукуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-хукуқий хужжатлар ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.3. Федерация ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, коллегиаллик, ўзаро хурмат, тенг ҳукуқлилик, ошкоралик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида юритади.

1.4. Федерация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

1.5. Ўз фаолият мақсадларига эришиш учун Федерация бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш, мулкий ва шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўлиш, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш ҳукуқига эга.

1.6. Федерация юридик шахс ҳисобланиб, ўз номига, муҳр ва штампларга ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтган рамзига, шахсий баланс, банқда ўз ҳисоб ва валюта рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолитияга зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш ҳукуқига эга.

1.7. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширади.

1.8. Федерация белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида ўзининг худудий бўлинмаларини ташкил этиш ҳукуқига эга бўлиб, улар белгиланган тартибда тегишли худудий адлия органларидан давлат рўйхатидан ёки ҳисобга қўйилгандан сўнг уларнинг фаолияти қонуний ҳисобланади. Шунингдек, улар юкорида номлари қайд этилган қонунлар ва тегишли норматив ҳукуқий хужжатлар ҳамда Федерациянинг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, йўриқномалар ҳамда мазкур устав асосида фаолият кўрсатадилар.

1.9. Федерациянинг фаолияти номуайян муддатга ташкил қилинган.

1.10. Федерация ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавоб беради. Давлат органлари, ташкилотлар ва федерация

таъсисчилари ва иштирокчилари Федерациянинг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайдилар. Худди шунингдек, Федерация давлат органлари ҳамда ташкилотлар, шунингдек федерация таъсисчилари ва иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

### 1.11. Федерация тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси»;

Рус тилида: «Федерация велосипедного спорта Узбекистана»;

Инглиз тилида: «UZBEKISTAN CYCLING FEDERATION».

1.12. Федерациянинг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органи жойлашган жой юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 59 А-уй.



## II. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Федерация фаолиятининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси худудида велоспорт турларини ривожлантириш ва оммавийлаштириш, шунингдек ўз аъзоларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

2.2. Федерациянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

республикада велоспорт турлари бўйича спорт тадбирларни ўtkазиш орқали тинчлик, дўстлик ва ўзаро тушуниш гояларни тарғиб қилиш;

республикада велоспорт турларини ривожлантириш ва шу спорт тури бўйича юқори даражали спортчиларни тайёрлашнинг илгор тажрибаларини ўрганиш, шунингдек уларни умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари, спорт ташкилотлари фаолиятига тадбиқ этишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда республика ва халқаро мусобақаларнинг тақвим режасини ишлаб чиқиш ва уларнинг республика худудида ўтказилишини ташкил этиш;

республикада ёки бошқа халқаро спорт ташкилотларида ўз аъзоларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

ўз аъзоларини ахборот, илмий-услубий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш; велоспорт турларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этиш мақсадида, миллий ва халқаро Федерациялар, бошқа спорт ташкилотлари билан маданий-спорт тадбирлар ўтказиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмасиши;

Федерация фаолиятини ривожлантириш мақсадида хорижга мутахассисларни хизмат сафарига юбориш ва хорижий мутахассисларни таклиф қилиш;

ўрнатилган тартибда ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси велоспорт бўйича терма жамоасини шакллантириш, хорижда шартнома бўйича ишлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тадбирларда иштирок этиш учун спортчилар ва мураббийларни танлаш, танлаш меъзонлари ва шартларини ишлаб чиқиша кўмаклашиш;

республикада Федерация устави мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун соҳага оид мусобақалар, форумлар, конференциялар ва семинарлар такил этиш ва ўтказиш;

Федерация ўз ишини унумли юритиш мақсадида моддий-техника базасини бойитиш ва молиявий асосини мустаҳкамлаш бўйича ишларни амалга ошириш.



### III. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Федерация белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда химоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқиша қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш, қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва тегишли лицензия асосида матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

конунда белгиланган тартибда ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

конун ҳужжатларида ва ўз уставига мувофиқ Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарларда ўзининг худудий бўлинмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;

конун ҳужжатларида мувофиқ ўз устав мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

соликлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар тўлашда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш.

3.2. Федерация қуидаги мажбуриятларга эга:

қонун талабларига риоя этиши;

ўтказиладиган тадбирлари ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиш;

рўйхатдан ўтказувчи, солик ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

3.3. Рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тури билан шуғулланиш Федерация томонидан тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

### IV. ФЕДЕРАЦИЯ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Федерацияга ушбу Уставни тан олган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар аъзо бўлишлари мумкин.

4.2. Федерацияга аъзоларни қабул қилиш якка тартибда ва жамоа тартибда амалга оширилади.

4.3. Федерация аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш Федерация Раёсатининг қарорига кўра Федерация аъзолари тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

4.4. Федерация аъзолари тенг хукукли бўлиб, уларнинг хукуклари куйидагилардан иборат:

Федерация фаолияти тўғрисида маълумот олиш;

Федерация томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;

Федерациянинг раҳбар органларини сайлаш ва сайланишда иштирок этиш;

Федерациянинг фаолияти бўйича таклифлар киритиш ҳамда уларни кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Федерация аъзолигидан чиқиш.

4.5. Федерация аъзоларининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

Федерация уставига риоя қилиш;

аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;

Федерация Устав мақсад ва вазифаларининг бажарилишида кўмаклашиш;

Федерация раҳбар органларининг қарорларини бажариш.

4.6. Федерация Уставига риоя қилмаган аъзолар белгиланган тартибда Федерация аъзолигидан чиқарилиши мумкин.

## V. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

5.1. Федерациянинг Раҳбар органлари куйдагилар ҳисобланади:

Конференция;

Раёсат.

5.2. Федерациянинг Олий раҳбар органи – Конференция ҳисобланиб, Конференция заруратга қараб, аммо бир йилда камида бир марта чақирилади. Конференция Федерация Раиси, Тафтиш комиссияси, Раёсат ёки Федерация аъзоларининг учдан икки қисми талаби билан чақирилиши мумкин. Конференция қарорлари аъзолардан сайланган делегатларнинг оддий қўпчилик (яъни 51%) овози билан қабул қилинади.

Конференцияга делегатларнинг вакиллик нормаси конференция чақирувчи томонида белгиланади. Конференцияга делегатлар худудий бўлинмалар конференцияси томонидан тайинланади.

Федерация аъзолари Конференция чақирилиши ҳақида камида 30 кун олдин ёзма равишда Раёсат томонидан хабардор қилинади. Конференция чақирилиши ҳақидаги ҳабарда режалаштирилаётган кун тартиби матнини ўз ичига олиши керак.



### 5.3. Конференциянинг ваколатига қуидагилар киради:

Федерация фаолиятининг асосий йўналишлари ва дастурларини белгилаш;

Федерациянинг Уставини янги тахрирда тасдиқлаш, унга ўзgartириш ва кўшимчалар киритиш;

Федерация Раиси, унинг Бош котиби, 5 кишидан иборат Раёсат аъзоларини ва 3 кишидан иборат Тафтиш комиссияси аъзоларини 4 йил муддатга сайлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;

Федерацияни қайта ташкил этиш ва уни тугатиш бўйича қарор қабул қилиш;

Федерация Раиси, Бош котиби, тафтиш комиссия аъзоларини, худудий бўлинмалари Раисларининг ҳисоботларини тинглаш ва уларнинг натижаси бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

Федерация фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши.

Раҳбар орган ёки Раҳбар орган аъзолари ваколатларини тугатиш ёки бекор қилиш тартиби агар уставда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, уларни шакллантириш тартиби каби бўлади.

5.4. Конференциялар оралиғидаги даврда Федерация фаолиятига Раёсат раҳбарлик қиласи. Раёсат таркибиға Федерация Раиси ва бошқа аъзолар киради.

Федерация Раиси бир вақтнинг ўзида Раёсатга бошчилик қиласи.

Раёсат йиғилишлари заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки маротаба ўтказилади. Раёсат қарорлари унинг аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан (яъни 51%) қабул қилинади.

### 5.5. Раёсатнинг ваколатига қуидагилар киради:

навбатдаги ва навбатдан ташқари Конференцияни чақириш, унинг кун тартибини белгилаш ҳамда Конференция қарорларининг ижросини таъминлаш;

Федерациянинг йиллик бюджетини, даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, Федерация мулкини тасарруф қилиш;

Федерациянинг худудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларни белгиланган тартибда худудий адлия органларида рўйхатга олиннишини таъминлаш;

аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Федерациянинг иш режаларини, штатлар жадвалини ва ходимларининг иш ҳақи фондини тасдиқлаш;

кириш ва аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш;

Федерация аъзолари, тафтиш комиссияси, Федерациянинг худудий бўлинмалари ва тадбиркорлик тузилмаларининг таъсис хужжатларини қабул қилиш ва тасдиқлаш;

Федерация рамзини тасдиқлаш.

5.6. Федерация Раиси Конференция томонидан 4 йил муддатга сайланади. Федерация Раиси ўз фаолиятида мазкур Уставга ва Конференция қарорларига суянган ҳолда иш юритади.

Федерация Раиси қуидаги ваколатларга эга:

Раёсат ишини бошқариш;

Федерация фаолиятини умумий назорат қилиш Федерация Баш котиби ва бошқа ходимларга мажбурий күрсатмалар бериш.

ўз ваколати доирасида буйруқлар ва фармойишлар чиқариш.

Федерация Раиси мазкур Уставда күрсатилган ҳолатларда ва бошқа узрли сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмаганда, Федерация Баш котиби Раёсат фаолиятини бошқаради;

Федерация Раиси Конференция томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси бўйича Конференция олдида ҳисобдордир.

5.7. Федерация Раиси меҳнат таътилида, хизмат сафарларида, вақтингчалик ишга лаёқатсизлик, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат ёки давлат ишлари билан банд бўлган даврларида ёки бошқа узрли сабабларга кўра Федерация фаолиятини бошқаришда қатнаша олмаганда, унинг ваколат ва мажбуриятларини бажариш ҳамда Федерация фаолиятини бошқариш Федерация Баш котибига, агарда у ҳам бўлмаса, Ижрочи директорга юклатилиши мумкин.

5.8. Федерация Баш котиби Конференция томонидан 4 йил муддатга сайланади. Федерация Баш котиби қуидаги ваколатларга эга:

Конференция, Федерация Раиси қарорлари ва фармойишларини бажаришни ташкиллаштириш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ижросини таъминлаш;

Федерация Раёсатининг ишини ташкиллаштириш;

Федерация номидан ишонч қоғозисиз иш юритиш ва Федерациянинг бошқа ходимларига ишонч қоғози бериш, Федерациянинг банкда ҳисоб рақамлари ва валюта рақамларини очиш;

Федерациянинг молиявий ҳужжатларига ва бошқа ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш;

Федерация номидан жисмоний ва юридик шахслар билан амалдаги норматив-хукукий ҳужжатларга ва мазкур Уставга зид бўлмаган битимлар, шартномалар, келишувлар тузиш, бошқарув ва юридик ҳаракатларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан Федерация ходимларини ишга қабул қилиш ва уларни лавозимидан озод этиш (Федерация Раиси ва Федерация Раисининг биринчи ўринbosari(вице президент)дан ташқари);

Федерация ходимларининг мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

Федерациянинг иш режаларини, тасдиқланган смета доирасида штатлар жадвалини тасдиқлаш;

молиявий хўжалик фаолияти, ички ҳисоб ва хисботларини юритади, рўйхатдан ўтказувчи, солик ва статистика органларига ўз вақтида ҳисботларни тақдим этишини таъминлайди;

ўз ваколати доирасида буйруқлар ва фармойишлар чиқариш;

Федерация Раиси узрли сабаблар билан Федерация бошқарувини бажармаганда, Федерациянинг Раёсат фаолиятини бошқариш, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат конунчилигига асосланган ҳолда Федерация ходимларини ишга қабул қилиш ва лавозимдан озод қилиш, уларни рағбатлантириш ёки моддий жиҳатдан жазолаш.

Федерация Бош котиби Федерация фаолиятини ташкиллаштириш ва тақкомилаштириш бўйича бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

5.9. Федерация Раисининг биринчи ўринbosари(вице президент) Федерация Раиси томонидан тайинланади ёки эгаллаб лавозимидан озод этилади.

Федерация Раисининг биринчи ўринbosари(вице президент) Федерация Раиси ва Федерация Бош котибига бўйсунади. Зарур ҳолларда Федерация Раисининг биринчи ўринbosари(вице президент) лавозимини жамоатчилик асосида олиб борилишига йўл куйилади.

5.10. Федерация Раисининг биринчи ўринbosари(вице президент) қуидаги ваколатларга эга:

Конференция, Раёсат, Федерация Раиси ва унинг Бош котибининг қонуний қарорлари ва фармойишларини бажаришни ташкиллаштиради ва таъминлайди;

Федерация Раёсатининг ишини Федерация Бош котиби ва ижрочи директор билан ҳамкорликда ташкиллаштиради;

Амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Федерация аъзоларининг рўйхатини коритади ва уларни саклайди;

Федерация аъзоларини Федерация ва унинг худудий тузилмалари томонидан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиб туришни ташкиллаштиради;

Федерация Раиси ёки унинг Бош котиби узрли сабаблар билан Федерация бошқарувини бажармаганда, Федерация Раиси ёки Федерация Бош котиби вазифасини (ваколатини) вақтинча бажаради. Бунда Федерация Раисининг биринчи ўринbosари(вице президент) бўлмаганда ёки вақтинча бажараолмаган ҳолларда ушбу бандада ўтказиладиган ваколат ижрочи директорга берилади.

Федерация Раисининг биринчи ўринbosари(вице президент) Федерация Раиси ва унинг Бош котиби топшириғига кўра амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

5.11. Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси:

Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолияти, маблағларни мақсадли сарфланниши устидан назоратни Конференция томонидан 3 кишидан иборат таркибда, 4 йил муддатга сайланган назорат-тафтиш комиссияси амалга оширади;

Комиссия Раиси ва аъзолари Федерациянинг бошқа фаолиятларида киришлари, бошқарув ва раҳбар органлари таркибига киришлари мумкин эмас;

Назорат-тафтиш комиссияси режа асосида, бир йилда камида бир марта, шунингдек Конференция ёки Раёсат қарорлари асосида режадан ташқари тафтиш келиши. Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятини амалдаги норматив-хукукий хужжатлар ва мазкур Устав асосида амалга оширади;

Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти юзасидан ҳисоботлар Конференцияда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

5.12. Худудий бўлинмаларнинг юқори орган бўлинмалар Конференцияси ҳисобланиб, у 4 йилда бир марта чакирилади:

бўлинмалар Конференцияси бўлинмалар фаолият кўрсатиш худудида ишловчи федерация аъзоларидан ташкил топади.

Бўлинмалар Конференцияси куйидаги ваколатларга эга:

Федерация Конференциясига делегатлар сайлаш;

Худудий бўлинмалар раисларини 4 йил муддатга сайлаш ва лавозимидан озод этиш.

Федерация тузилмаси унинг ҳудудий бўлинмалари ва таркибида ташкил қилинган юридик шахслардан иборатdir.

5.13. Юридик шахс мақомига эга бўлган бўлинмалар худудий адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмалар худудий адлия органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

5.14. Федерациянинг худудий бўлинмалари ушбу Устав ҳамда Федерациянинг худудий бўлинмалари тўғрисидаги Низомлари асосида фаолият юритади.

Бўлинмалар қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулқдан фойдаланиш ва тегишли ҳудудда қонун ҳужжатларига мувофиқ Федерациясининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ва бошқа ҳукуқларга эга бўлади.

Бўлинмалар қонун ҳужжатларига риоя қилиш, Федерация раҳбар органлари қарорларини бажариш ва бошқа мажбуриятларга эга бўлади.

## VI. ФЕДЕРАЦИЯГА АЪЗО БЎЛИШ ВА АЪЗОЛИҚДАН ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

6.1. Федерацияга аъзо бўлиш Федерация раҳбари, бўлинмалар раҳбарлари номига ёзилган ариза орқали амалга оширилади:

Федерацияга мазкур уставни тан олган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар аъзо бўладилар ва барча аъзоларнинг ҳукуқ ва манфаатлари тенг равишда ҳимоя қилинади;

Федерацияга аъзоларни қабул қилиш якка тартибда ва жамоа тартибда амалга оширилади;

Федерация аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш Раёсатнинг қарори билан Федерация ички локал ҳужжатлари асосида амалга оширилади;

Федерация уставига риоя қилмаган аъзолар белгиланган тартибда Федерация аъзолигидан чиқарилиши мумкин.

## VII. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА УЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

7.1. Федерация ва унинг худудий бўлинмалар ва бошқа тузилмаларни уставда кўрсатилган фаолиятларини олиб борилишини моддий ва молиявий таъминлаш учун бинолар, туарар-жой фонди, транспорт воситалари, оргтехника, асбоб-анжом ва бошқа мулклар, пул маблағлари ва бошқаларга эгалик қилишлари мумкин, шунингдек Федерация ва унинг таркибидаги бўлинмалар ва бошқа тузилмаларнинг мулклари Федерациянинг умумий мулки ҳисобланади.

7.2. Федерация ва унинг бўлинмалари маблағларининг (пул, мулк ва бошқа шаклда) шаклланиш манбалари қуидагилар:

кириш ва аъзолик бадаллари;

ташкilotларнинг ва алоҳида фуқароларнинг ихтиёрий равишда берган ҳомийлик маблағлари ва мулклари;

мазкур Уставга асосан семинарлар, маъruzалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўtkазишдан тушган маблағлар;

Федерация таркибида тузилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятлардан тушадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушадиган хайриялар;

белгиланган тартибда ажратилган давлат субсидиялари, грантлари ва давлат ижтимоий бюртмаларини бажаришдан келиб тушадиган маблағлар;

конун билан таъкилланмаган бошқа манбалар.

## VIII. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ БОШҚАРИШ БОРАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

8.1. Федерация бўлинмалари ўз фаолиятларини мазкур устав ҳамда Федерациянинг худудий бўлинмалари тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

8.2. Федерация бўлинмалари ҳамда бошқа таркибий тузилмаларнинг мол-мулклари Федерация мулки ҳисобланади.

8.3. Федерация таркибий бўлинмаларининг мол-мулкини бошқариш борасидаги фаолияти амалдаги қонунчилик талаблари асосида амалга оширилади. Федерациянинг таркибий бўлинмаларини тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари уларнинг низомларида белгиланади.

## IX. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

9.1. Федерация ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

## X. ФЕДЕРАЦИЯ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Федерация уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш делегатларнинг 51% овози билан Конференция қарори асосида амалга оширилади. Конференция қарори делегатларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

10.2. Федерация уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта рўйхатга олингандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

## XI. ФЕДЕРАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ

11.1. Федерация фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун хужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

## XII. ФЕДЕРАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, ТУГАТИШ ТАРТИБИ

12.1. Федерацияни қайта ташкил этиш Конференция қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Федерацияни қайта ташкил этиш қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12.2. Федерацияни тугатиш делегатларнинг камидаги 51% овози билан Конференция қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

12.3. Федерацияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Конференция Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

12.4. Федерацияни тугатиш қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12.5. Федерация тугатилганда кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки Федерация ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан устав мақсади йўлида ёки хайрия мақсадларида фойдаланилади. Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-хукуқий хужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас ҳамда устав қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-хукуқий хужжатларига зид тарзда ифода қилинган бандлари ҳакиқий эмасдир.

Федерация Раиси

  
T.Нарбаева